

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

З.М.БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тарих ва ижтимоий фанлар факультети
“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ талими” йўналиши
2-курс талабаси

МУХТОРОВ ИБРОҲИМнинг

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ДАВЛАТ ШАКЛЛАРИ

КУРС ИШИ

Курс иши раҳбари : Э. Аблазов



Андижон -2014

Мавзу: Хорижий мамлакатларда давлат шакллари

I. Кириш.

II. Асосий қисм:

- 1) давлат режими ва бошқарув шакли тушунчаси**
- 2) давлат режимининг туркумларга бўлиниши ва белгиланиши**
- 3) Давлат бошқарув шаклининг турлари**
 - а) Монархия**
 - б) республика**

III. Хулоса.

IV. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш

Давлат шакли тушунчаси давлатшуносликнинг энг муҳим, сермазмун, хусусиятларидан биридир. Хукукшунос Иван Ильин шу муносабат билан куйидагиларни таъкидлаганди: «Бу мураккаб ва гоят маъсулиятли масалани, эҳтиёткорлик ва мутлоқо холис фикрлар билан ўртага куйиш зарур.

Энг аввало, давлат шакли халклар ҳаётига бефарқ қарайдиган «мавхум тушунча» ҳам, «сиёсий чизги» ҳам эмас, балки ҳаёт тарзи ва халкнинг жонли ташкилотидир»¹. Халк уз ҳаёт тарзини тушуниши, айнан шундай ташкилланишини уддалаши; шу тизим қонунларини ҳурмат қилиши ҳамда шу ташкилотга ихтиёрий ҳиссасини қушиши зарур. Бошқача айтганда, айнан халкнинг жонли ҳукукий онги давлат шаклини руёбга чиқаради, унга ҳаёт баҳшида этади; бинобарин давлат шакли энг аввало халк ҳукукий онги даражасига, халк томонидан тупланган тарихий сиёсий тажрибага, унинг ирода қучи ва миллий характериға боғлиқ.

Ҳапни давлат шаклиға оид турли қарашлар мавжудлиғидан бошлаш ўринли деб ўйлайман. Баъзи муаллифлар уни бошқарув шакли десалар баъзилари бунга давлат тузилишини ҳам қиритадилар. С.А. Комаров эса бошқарув шаклини давлат тузилиш шакли ва сиёсий идора усули биргалиқда олинган сиёсий ташкилот сифатида тушунади. Хуллас бу борада аниқ бир фикр йўқ. Лекин ақсарият олимлар Комаровнинг юқоридаги фикриға қўшиладилар. Мен ушбу курс ишида юқорида айтиб ўтилган давлат шакллариға алоҳида тўхтаб ўтдим. Ушбу курс иши қириш, асосий қисм, ҳулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1. Давлат режими ва бошқарув шакли тушунчаси.

Хорижий мамлакатларда давлат шакли деганда: бошқарув шакли, давлат тузилиши, сиёсий режим, давлат режими назарда тутилади. Давлат шакли ҳар қандай җамиятнинг яшаш тарзини белгилаб беради. Бу эса энг аввало миллат ва элатларнинг тарихий-миллий давлат бошқаруви тажрибалариға таяниб тузилиши белгиланади ёки ижтимоий ривожланиш қонуниятлари талаблари асосида пайдо бўлади.

Бошқарув шакли – бу Конституцияда ўрнатилган тартибда давлат бошлиғининг белгиланиши ва Олий Қонунчилик ҳамда ижроия ҳокимият органлари муносабатларининг ташкил этиш усуллари.

Ҳозирги даврда икки хил давлат бошқарув шакллари мавжуд: республика ва монархия. Улар давлат бошлиғининг мақоми билан бир-биридан фарқ қилади.

¹ Ильин И. О Грядущей России . Избранные статьи. М., Корпарация « Телекс » , 1993, 27-бет

Монархия тузумида давлат бошлиғи лавозими наслдан-наслга ўтиб, юридик жиҳатдан жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахс қўлида давлат ҳокимиятига умрбод бошчилик қилиши белгиланган бўлади. (Қирол, подшо, султон, амир ва бошқалар). Бу шуни англатадики, монархия тартиби ҳукмрон бўлган давлатнинг бошлиғини бирон-бир қонуний тарзда ўз лавозимидан олиб ташлаш ёки қонунга ҳилоф хатти-ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас. Республика бошқаруви ўрнатилган давлатларда, тартиб бўйича мамлакатга президент бошчилик қилади (айрим давлатларда президент функциясини коллегиял орган амалга оширади). Президент ваколати сайлов йўли билан, унинг натижасига кўра белгиланади. Ўзбекистон Республикаси ҳам Собиқ Иттифок мавжуд бўлган даврда ўз ривожланиш йўлини белгилаб олган эди. 1990 йил март ойида бўлиб ўтган Олий Кенгашнинг XII чақириқ, I Сессиясида Ўзбекистонда илк бор бошқарувнинг Президентнинг институти таъсис этилиб, унинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилди. 1990 йил 20 июнда “Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик декларацияси“ эълон қилинди.¹

“СССР парчаланиб кетди. 74 йил мобайнида Ўзбекистон тақдири ва таъминоти собиқ иттифок қўлида эди. Собиқ Иттифок бу ердан маҳсулот ва хом ашёни олиб кетиб, бизга суз ва ҳаводай зарур нарсаларни ўз кўрсатмаси билан келтириб берар эди. Содда қилиб айтганда, пахта ва бошқа бойликларимиз олиб кетиларди, дон, шаҳар ёнилғи ва бошқа халқ истеъмоли моллари, умуман, ҳаётимизга, иқтисодиётимизга ва халқ ҳўжалигимизга зарур бўлган маҳсулотлар олиб келинардик”.²

Ҳар қандай миллат ва жамият маълум бир табиат қонунлари ёки сунъий равишда жорий этилганистиробли давлат бошидан кечиради. Бу жараёнда эркинлик учун кураш ҳамма нарсадан устунликка эришади. Бунинг натижасида турли миллатлар бирлашиб ўз тақдирларини белгилайдилар, келажак истиқболлари учун давлат тузилишини ташкил этадилар.

Давлат тузилиши ҳар бир мамлакат аҳолисининг хоҳиш иродасини ифода этади. Шунинг учун ҳам дунёда турли хил давлат шакллари мавжуд.

Франция, Италия, АҚШ, Германия, Мексика, Миср, Исроил ва бошқа собиқ иттифок республикаларида – Президент, Англия, Испанияда – Қирол ва қиролича, Японияда – император, Бирлашган Араб Амирлигида – Подшоҳ давлат бошқаруви масалаларида алоҳида ўринни эгаллайди.

Монархия ва республика – бу адоийб характерли давлат бошқаруви шаклидир. Масалан, Уганда, Тунис ва бошқа Африка давлатларида республика Президенти умрбод ўз лавозимида бўлади. Бу эса монархия шаклидаги давлат бошқарувининг маълум бир таркибини ўзида намоён этади.

¹ “Қишлоқ ҳақиқати“ рўзномасининг 1990 йил 22 июн сони.

² Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т., Ўзбекистон, 1993. 3 бет.

Айрим бир монархия шаклидаги давлатларда “хукмдор” сайлов йўли билан лавозимига қўйилади. Бунга мисол сифатида Бирлашган Араб Амирликларида, федерация субъектлари бошлиғи амирларнинг ўз ичидан хукмдорини беш йил муддатга сайлашини кўришимиз мумкин. Бу эса республика шаклидаги давлат бошқарувининг маълум бир таркибий ўхшашликларини ўзида намоён этади.

Инсоният пайдо бўлгандан буён давлат шакли монархия бошқарувида ривожланиб кела бошлаган. Республика бошқаруви шаклига ўтиш асосан буржуа инқилоби натижасида юзага келган, яъни тарих нуқтаи назари билан феодал тузум хукмрон бўлган даврдан янгича ишлаб чиқариш технологиялари вужудга келган даврга ўтиш жараёнларида эскича яшашга ортиқ чидай олмаган халқ норозилиги қонли курашга айланган вақтда давлат бошқаруви усули тубдан янгиланган. Бу жараённинг пайдо бўлишида асосий ролни ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар тарафдорлари бўлган завод ва фабрика эгалари ташвиқот-тарғибот қилиб халқ оммасига ўз ғояларини сингдиришган. Уларнинг ғоялари ҳозирги демократик талабларидан бўлганлиги учун (тенглик, халқ суверенитети) буржуа инқилоби амалга оширилган. Айниқса эски феодал тузум даврида хукмрон синф ҳисобланган катта ер эгалари ва дворянларнинг ҳокимиятини синдиришга бўлган халқ хохиши жамият тузилишни яъни давлат бошқаруви усулини ўзгартиришга сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам ҳозирги Конституциянинг пайдо бўлиш омилларини ҳуқуқшунос олимлар бевосита буржуа инқилобининг меваси деб аташади.

Агар биз инсоният тарихидан давлат бошқаруви усулини ўрганмоқчи бўлсак, албатта монархия тузуми хукмрон бўлган даврни тассовур қиламиз.

Чунки феодаллик тузум хукмрон бўлган даврда монарх, подшо, султон, кирол ёки император деб аталиб энг катта ерга эгалик қилган ва халқнинг розилигисиз чексиз ҳокимият соҳиби бўлган.

Ҳозирги монархия давлатлари феодал тузум давридагидан тубдан фарқ қилади. Масалан, 1931 йил Испанияда юз берган инқилоб натижасида Ф.Франко диктатурасининг ўрнатилиши билан тугаган.¹ 1931-1939 йиллар Испания давлати давлат бошқаруви усули мутлақ монархия хукмронлигидан чекланган монархия шаклига ўтиш босқичларининг илк даври ҳисобланади. 1978 йил 27 декабрда қабул қилинган “Испания қиролигининг Конституцияси” чекланган монархия давлат бошқаруви шаклига батамом ўтганлигини тасдиқлайди.

Шунингдек, Буюк Британия, Бельгия, Япония давлатларида ҳам монархия бошқарув усули, сиёсий режимнинг демократиялаштиришда бир-бирига мослаштирилди.

Шундан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, давлат бошлиғи лавозимига қўйилиш тартиби ўзгармасдан, ундаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятларига аниқлик киритилиб,

¹ Алебастрова И.А. Конституционное право зарубежных стран. (учебное пособие). – М., Юриспруденция, 2000. 66 с.

давлат шаклининг энг муҳим белгиси бўлган юридик модели янгиланади яъни давлат бошлиғи, қонунчилик ва ижроия ҳокимият тармоқлари орасидаги ўзаро муносабатлар конституциявий тартиб билан мустаҳкамлаб қўйилди. Монархия ва республика шаклларидаги давлатларнинг ҳар бирининг ўзига хос давлат ҳокимияти тармоқларининг муносабатлари белгиланган. Бу давлатларнинг ички шаклларининг тузилиши, демократик жамият тасоввурларининг ҳосиласи бўлиб, монархия ва республика шакллари бу масалада бир-биридан фарқ қилмайди.

Монархиянинг икки шакли мавжуд мутлақ ва чекланган монархия, давлат бошқаруви усулидир. Чекланган монархия ҳам ўз навбатида, дуалистик ва парламентар бошқарувига асосланган.

Мутлақ монархия давлат бошқаруви шаклида, бутун ҳокимият монарх (подшо, қирол, қиролича, император султон) қўлида тўпланган бўлади.

Бундай давлатларда ҳокимиятининг тақсимлашиш принципи инкор этилади. Чекланган монархия ўрнатилган давлат бошқаруви шаклида, конституция ва парламент орқали монархнинг давлат ҳокимиятига бўлган ваколатлари чеклаб қўйилади. Парламент олий юридик кучга эга бўлган қонунларни қабул қилади. Чунки чекланган монархия тузуми ўрнатилган давлат тузулиши белгиланган бўлади.

Шунинг учун ҳам чекланган монархия конституциявий давлат шакли деб аталади. Конституциявий монархиянинг асосий шакллари – дуалистик ва парламентар давлат бошқарувига бўлади.

Дуалистик монархия тузуми ўрнатилган давлат бошқаруви шаклида монарх ҳокимияти давлат бошлиғи сифатида сақланиб қолади; шукрат таркибини шакллантиради ва унга бошчилик қилади, вазирларни ўз лавозимидан озод этиши мумкин ҳамда вазирлар унинг олдида ҳисобдордирлар ва фақат унинг олдида жавобгардирлар.

Парламент республикада эса, Бош Вазир лавозими алоҳида ҳол этилиши лозим бўлган масалалар. Фақатгина Бош Вазир ҳукуматга бошчилик қилади монарх унинг ишига аралашмайди. Бош Вазир фақат парламент олдида сиёсий маъсулдор, парламент унга ишончсизлик билдириши ёки ўз ишончини қайтариб олиши мумкин.

Республика давлат шакли, президентлик ва парламентар бошқарув усулига асосланган бўлади. Бу икки бошқарув усулида ҳам ҳудди монархия давлат шаклига ўхшаш, ҳукумат сиёсий маъсуллик масалалари билан асосан фарқ қилади.

Шунга алоҳида эътибор бериш лозимки сиёсий маъсуллик билан юридик жавобгарлик тушунчаларини бир-бирига аралаштириб юбормаслик керак.

Сиёсий маъсуллик, фаолият натижаларига боғлиқ бўлиб, олиб бораётган сиёсатининг моҳиятига ва мақсадга мувофиқлигига жавоб бериши тушунилади. Юридик жавобгарлик масалаларида эса асосан монархия ва республика давлат шакли бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Президентлик ва парламентар давлат бошқарув усулини таҳлилий ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, улар орасидаги асосий фарқ ҳукумат жавобгарлик масалаларининг ҳал этилиши тартибининг белгиланишидир. Агар ҳукумат Президент олдида жавобгар бўлса, бундай давлат бошқаруви усули президентлик, агар парламент олдида жавобгарлиги белгиланган бўлса, парламентар республика деб аталади. Жавобгарлик маъноси, кўп жиҳатдан ҳукумат аъзоларининг истеъфога чиқарилиши ким томонидан ҳал этилишга боғлиқ масалаларни камраб олади. Президент олдида жавобгарлик масаласининг кўриниши асосан, ҳукумат фаолияти президентни хоҳиши билан боғлиқ бўлиб, у хоҳлаган вақтда ҳукуматни ёки алоҳида вазирни истеъфога чиқариши мумкин.

Парламент олдида ҳукуматнинг жавобгарлик масаласибутунлай бошқа ҳолатда бўлиб, коллегияли принципида ҳал этилиши мураккаб жараёни ўз ичига олади.

Чунки ҳукуматга ишончсизлик билдириш кўпчиликнинг хоҳиши билан амалга оширилиб, ҳукумат аъзоларининг ҳаммаси истеъфога чиқишини билдиради, алоҳида бир вазирни истеъфога чиқариш масаласи унда кўрилмайди. Шунинг билан президент парламентар республикасида, қонунчилик ва ижроия ҳокимият ўртасидаги келиб чиқадиган келишмовчиликларни ҳал этилишида, парламентга қарши жазо чоралари сифатида, давлат бошлиғи томонидан уни тарқатиб юбориши мумкин. Агар ҳукумат қуйи палата томонидан жавобгарлик масалаларида маъсул бўлса, президент қуйи палатани, агар юқори палата олдида маъсул бўлса, юқори палатани тарқатиб юбориши мумкин. Аксарият парламентар республикаларда президент бундай ҳуқуққа эга эмас.

Давлат бошқарув шаклининг танлаб олиниши, кўп жиҳатдан давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципини амалга оширилиш хусусиятларига боғлиқ бўлади. Бошқарув шаклининг демократик давлатларда татбиқ этилиши босқичма-босқич узоқ вақт талаб этиладиган жараёни ўзи ичига олади. Давлат ҳокимиятининг тақсимланиш принципини бошқарув шаклининг юридик моделини намоён этади. Бу асосан парламентар республика ва монархия, ҳамда президентлик республикасида давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципини босқичма-босқич олиб борилади.

Демократик принципларни инкор этадиган давлатлар бошқарув шаклида ҳокимият ягона шахснинг ёки сиёсий ғоянинг ижодкорлари қўлида бўлади. Бундай давлат шаклига мутлақ монархия ва собиқ иттифок тузуми киради. Шунингдек, ҳокимиятнинг тақсимланиш принципи тўлиқ президентлик ва ярим-президентлик ҳамда дуалистик монархия шаклидаги давлат бошқаруви усулида ҳам чекланган бўлади. Аммо уларнинг бошқарув шаклида, ҳокимиятнинг бўлиши принципи, турли хил ўзига мос йўли билан амалга оширилади.

Бу биринчидан, турли хил давлат органларининг бир-бирининг ишига аралашмаслик принципида ваколатлари чегараланган бўлади, иккинчидан, бир-бирининг фаолияти устидан

назорат этиш функцияси ҳокимиятни суистеъмол қилинишни олиш юзасидан тийиб туриш механизми белгиланган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси илк бор ўзининг Конституциясини 1992 йил 8 ва 10 декабрда Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида халқ вакиллари муҳокама қилар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов давлатимиз бошқарув шаклини қуйидагича таъриф берган эди: “Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби ваколатларнинг тақсимланиш принципи асосида амалга оширилади.

Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти – давлатнинг учта асосий таянчидир. Лойиҳада ана шу учта ҳокимият идораларининг ўзаро уйғун фаолият воситалари, шунингдек, бу идораларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туриш тизимини вужудга келтирувчи қоидалар мустаҳкамланди“.¹

Президентлик республикаси шаклидаги давлат бошқарув усули ҳокимият органларининг бир-бирини тенглик принципи асосида Конституция ва қонунлар доирасида ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларини ошкор этишга хизмат қилади, лекин бир-бирининг берилган ваколатларини маҳрум эта олмайди. Давлат ҳокимият органларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан тегишли чора-тадбирлар ҳамма демократик давлатларда бўлгани каби қонун талабларида кўрилади.

Парламентар республика ва чекланган монархия бошқарув шаклидаги давлатларда ҳокимиятни амалга оширишдаги ўзаро назоратни, қонунчилик ва ижроия органлари муносабатларининг белгиланишида, парламентнинг шукumatга ишончсизлик билдириши ёки умуман ишончдан воз кечиши ҳамда давлат бошлиғининг парламент палаталаридан бирин тарқатиб юбориш ҳуқуқларидан кўришимиз мумкин.

Хорижий мамлакатларда конституциявий давлат бошқаруви шаклининг мустаҳкамланганлиги турли хил йўллар билан амалга оширилади. Тўғридан-тўғри Конституцияда давлат бошқарув шаклининг амалга оширилиш принципини белгиланганлиги камдан-кам мамлакатларда учрайди.

Масалан, Болгария Конституциясининг 1-моддасида: “Болгария – парламент бошқарувидаги республикалар“.²

Аксарият давлатларнинг бошқарув шаклини аниқлашда давлат ҳокимият органларининг мақомини таҳлил қилиш ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг белгиланиши ўрганиш лозим бўлади.

2. Давлат режимининг туркумларга бўлиниши ва белгиланиши.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т., Ўзбекистон, 1993. 123 б.

² Алебастрова И.А. Конституционное право (государственное) зарубежных стран. (учебное пособие). – М., Юриспруденция, 2000. 68 с.

Давлат ҳокимият органларининг ўзаро муносабатларини белгиланиши ва уни ташкил этилишида бошқарув шаклининг юридик модели ўзини намоён этади. Конституцияда ўрнатилган намуна бошқарув шаклини ташкил этишда унда белгиланганлигидан муҳим жиҳатлари билан фарқ қилиши мумкин.

Шунинг учун ҳам мазкур фаннинг ўргатиш доирасига нафақат конституциявий-ҳукукий нормалар ва институтлар назариясини таҳлил қилиш, балки уни амалда тадбиқ этилишининг мезонлари қандай натижаларга эришганлигини ифодалаб бериш киради.

Ифода этишнинг мукамаллигини таъминлаш учун, ёки таҳлил қилинишини соддалаштиришда, давлат ҳокимият органларининг ҳокимиятни тақсимланиш принципи асосида этилиши давлат бошқарув шаклида қандай йўлга қўйилганлиги ушбу фанда давлат режими тушунчасида қўлланилади.

Давлат режими – сиёсий кучларнинг таркибий қисми ва давлат ҳокимияти Олий органларининг ўзаро муносабатларини тартибга солинишида уларнинг ҳақиқий компетенциясини ифода этиб давлат бошқарувида тутган ўрни ва функциясини намоён этади.

Давлат режими, давлат бошқарув институтлари ва сиёсий режим билан боғлиқ бўлиб, уларни бир-биридан давлат режимининг фарқи шундан иборатки, давлат бошқарув шакли юридик модел бўлиб, олий давлат органларининг ўзаро муносабатларидан аниқланади, давлат режимида эса – олий давлат органлари фаолиятига таъриф беради яъни унинг ҳақиқий фаолият принциплари тавсифланди.

Давлат режимининг сиёсий режимдан фарқи шундан иборатки, сиёсий режим кўпчилик аҳоли сонини ташкил этган сиёсий кучлар муносабатларини ифода этса, давлат режими – сиёсий кучлар ичидаги турли таъсир қоидаларни ўзаро муносабатларида келиб чиқадиган масалалрни ўзида мужассам этади.

Давлат бошқарув шаклининг ўзига ҳос томонларини ажратиб олиннишида давлат режимининг турли хил кўриниши намоён бўлади. Бу турли хил кўринишдаги сиёсий режим билан ҳам бир-бирига мос тушиши мумкин. Давлат режимининг маълум бир ҳолига тушиши, давлат бошқарув шаклига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир давлат бошқарув шаклида, давлат режимининг кўринишини қўлланилиши доимо таҳлил қилиб турилади.

Монархия

Монархия тушунчаси грекча сўздан олинган бўлиб, яккаҳокимиятчилик, ягона ҳокимият соҳиби маъноларини беради. Лекин монархия сўзи нафақат ҳокимиятнинг ягона шахс кўлида бўлишини билдиради, балки уни наслдан-наслга ўтиб туришини ҳам мустаҳкамлайди.

Монархия тузуми ҳукмрон бўлган давлатда унинг бошлиғи худонинг ердаги вакили деб қаралади. Масалан, Япония императори 1945 йилга қадар қуёш худоси Аматераснинг ўғли деб ҳисобланган.¹ Ҳозирги замонда подшоҳларнинг худолар авлодидан бериб чиққанлиги ҳеч кимни қизиқтирмайди. Тарихий манбаалардан бизга маълумки феодал тузум ҳукмрон бўлган даврда катта ер эгалари ҳокимиятни эгаллашга ҳаракат қилиб келишган. Айримлари бу мақсадларига эришиб

Ўзларини олий ҳукмрон деб эълон қилганлар.

Демак, ҳозирги монархия тузуми сақланиб қолган давлатларнинг ҳукмдорлари ўта феодал тузум давридан қолганларнинг авлодлари ҳисобланади. Лекин улар олдинги даврдагидек давлат ҳокимиятига эга эмаслар. Аммо монархнинг миллат бирлигини намоён этувчи мавқеи ҳозир ҳам юқори баҳоланмоқда.

Масалан, 1946 йилги Япония Конституциясининг 1-моддасида "Император халқ бирлиги ва давлат белгиси ҳисобланади, яъни давлат ҳокимияти тегишлилигига қараб, халқнинг хоҳиши унинг мақомини белгилаб беради."² Шунингдек, 1978 йилни Испания Конституциясининг 56 моддасида ҳам миллат бирлиги ва давлат ҳокимиятининг мавжудлиги Қирол номи билан аталади. 1707 йилги Буюк Британиянинг Шотландия билан қўшилиш ҳақидаги конституциявий қонунида ҳам Қироличанинг икки давлат ҳокимияти тизимидаги тутган ўрни белгилаб берилган. Мазкур қонуннинг 1,2 моддалари Қиролича хазрати олияларининг бундан кейинги мақоми икки давлат бирлиги рамзи сифатида ҳокимият тепасида бўлиши ва тахт ворислиги масалаларини мустаҳкамлаб бўлган. Бизга тарихий манбалардан маълумки ушбу конституциявий акт қабул қилингунга қадар Шотландия Қироллиги мавжуд бўлган. Бу қонун қабул қилингандан кейин икки давлат қироллиги бирлашиб ягона Қиролича бирлашган Қироллик давлатининг рамзи ва миллат бирлиги мақомида, айрим ваколатлари сақланиб қолинган.¹ Масалан Қиролича жамоа палатасини тарқатиб юбориши, Бош Вазир лавозимига жамоа палатаси вакилидан бирортасини қўйиши, амнистия ва авф этиш тўғрисидаги фармонларини қабул қилиши мумкин.²

Энг муҳими шундан иборатки, аксарият монархия тузими ҳукмронлик қилаётган давлатларда монархнинг мақоми Конституцияда мустаҳкамланган бўлади. 1931 йил қабул қилинган Белгия Конституциясида монарх ҳақидаги тавсияномалар белгиланмаган.

Энг асосий монарх ваколатларида, уни Конституциясида ёки бошқа қонунларда белгиланишининг аҳамияти йўқ. Мана шу принцип асосида монархия- давлат шаклини ўрганамиз ва уни таҳлил қиламиз.

¹ Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв.ред.Б.А. Страшун.- М., Издательство БЕК, 1985.- 305 ст.

² Ушбу дарсликдан, 306 бет.

¹Коституции зарубежных государств. Учебное пособие. 2-е изд. Исправ. и доп.- М., Издательство БЕК. 1997.-71 ст.

² Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Том 3.Отв.ред. Б.А.Страшун.- М., Издательство БЕК, 1997.-48 ст.

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек монархия тузуми мавжуд бўлган мамлакатларнинг давлат бошқарув шакли икки хил кўринишда бўлади. Мутлоқ ва чекланган монархия. Мутлоқ (абсолют)- монархия. Бундай давлатларнинг бошқарув шакли узок ўтмишга бориб тақалади. Ўша даврдан бошлаб, ўз давлат ҳокимиятини кўлдан бермай келаётган монах ҳукмронлиги, наслдан-наслга ўтиб, ҳозирги даврда мутлоқ монархия мақоми билан бошқарув шаклини намоён этади. Унинг кўлида бутун давлат ҳокимияти тўплаган бўлади. Ўзи қонун қабул қилади, давлат бошқарув апаратини тузади, Олий суд ҳокимиятини амалга оширади. Унинг ҳокимиятини чегараси бўлмайди, юридик ва сиёсий, маънавий жиҳатдан номигагина, дин пешволари ва бошқа ўзи тайинлаган мансабдор шахслар ҳокимият масалалари ҳал этилаётганда иштирок этиши мумкин.³ Чунки монах уларнинг давлат ҳокимиятига бўлган ҳуқуқларини оёқ-ости қилаётгани йўқ ва ўзи ҳам бундай ҳуқуқларга бутун эга бўлмаган. Ҳозирги даврда мутлақ монархия давлат бошқарув шакли кам учрайди. Бунга мисол сифатида Саудия Арабистони ва Олмон давлатларини келтириш мумкин. Бу давлатларда монах –энг олий дин пешволари ҳисобланади, шунинг билан улар ўз давлат ҳокимиятини кучайтирадилар. Мутлақ монархияда, сиёсий режим авторитар хусусиятга эга бўлиб, давлат режими эса чекланмаган деб аталади. Шунингдек, монархия- давлат шакли чекланган бошқарув усулига ҳам бўлмайди. Чекланган монархия дуалистик ва парламентар давлат бошқарув шаклларида қурилган бўлади.

Дуалистик монархия. Бу мутлоқ монархиянинг ўзгаришига асос солган биринчи замонавий давлат бошқарув шакли бўлиб конституциявий монархия деб аталади.

Дуалистик монархияда ўз номи билан давлат ҳокимияти шаклига бўлинади, қонунчилик ва ижро этувчи.

Қонунчилик ҳокимияти парламентга тегишли бўлиб, унинг таркиби сайлов ҳуқуқи цензи орқали сайланади ва тайинланади. (монах маълум қисмини тайинлайди).

Ижроия ҳокимият эса монахга тегишли бўлиб, ўзи амалга оширади ёки ҳукуматни таъминлайди. Суд ҳокимияти ҳам монах кўлида бўлиб, у ёки бу даражада мустақил бўлиши мумкин.

Шунинг билан бундай давлат бошқарув шаклида ҳокимиятнинг бўлиниши иккига ажратилиб ўрганилади. Лекин шундай бўлса ҳам монах ваколатлари жуда кенг берилган бўлиб, парламент томонидан қабул қилинган қонунларга чекланмаган ҳуқуқ асосида вето қўйиши мумкин. Агар у қонунни тасдиқламаса кучга кирмайди. Бундан ташқари қонун кучидан юқори бўлган фармонлар қабул қилиши, парламентни тарқатиб юбориши мумкин. Шунинг билан вақтинчалик мутлоқ монархия томонидан давлатга айланиши мумкин.

³ Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Том 1-2..Отв.ред. Б.А.Страшун.- М., Издательство БЕК, 1996.-306 ст.

Масалан, Испанияда 1974 йил парламент тарқатилиб юборилиб, 1989 йилга қадар мутлоқ монархия ҳукм сурган.¹

Агар ҳукумат тайинланган бўлса, фақат монах олдида ўз фаолияти тўғрисида ҳисоб бериб туради, парламент олдида масъул эмас. Фақатгина давлат бюджетини белгилаш жараёнларида парламент билан ҳисоб-китоб қилишга мажбур бўлиши мумкин. Аммо депутатлар йилда бир марта келиб чиқадиган бу масалада ҳукумат билан келишмовчилик келиб чиқишдан қўрқадилар, чунки монах хоҳлаган вақтида уни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Худди чекламаган монархия давлат бошқарув шаклига ўхшаш, дуалистик монархия тузилишида ҳам сиёсий режим авторитар бошқарувга шарт-шароитлар яратиб беради.

Давлат режими эса чегараланган дуалистик ҳокимият тавсифида бўлиши мумкин.

Шундай қилиб монархия давлат шаклининг дуалистик бошқарув усулида давлат ҳокимиятининг бўлиниши олдингидек, монах ва уни ўраб турган яқин қариндошлари қўлида бўлади.

Ҳозирги вақтда, Кувейт, Иордания, Марокаш давлатларида дуалистик монархия бошқарув шакли сақланиб қолган.²

«Инсоният тарихи - табиат ва ҳаёт ҳақидаги оддий тассавурлардан, чекланган эҳтиёжлардан мураккаб маънавий фаолият даражасигача ўсиш жараёнини ўз ичига олади. Инсоний цивилизациянинг бошланишида маънавият бир пайтнинг ўзида инсоннинг тафаккури ҳосиласи ҳамда сабаби тарзида кўзга ташланади».³

Парламентар монархия. Бундай бошқарув шакли, одатда энг ривожланган давлатлар ҳисобланади. XVII-XVIII асрларда айрим мамлакат-ларнинг давлат бошқарув шакли инсоният тассавурида бўлмаган янгича жамият қурилиши жараёнлари бошланган давр бўлди. Аграр феодализмдан, илк капиталистик тузум даврида барча давлатларнинг бошқарув шакли, табиат, жамият қонуниятлари талабларига мос равишда ўзгарди. Буюк Британия, Япония, Нидерландия, Швеция, Ионада, Австралия давлатлари бошқарув шакли тубдан янгиланди. Албатта, бу жараёнда ҳар бир давлат халқларининг хоҳиш иродаси ётади.

"Одамзод ер, сув, ҳаво ҳамда қуёшни бевосита ҳис қилишдан аста-секин "Табиат нима?", "Ҳаёт нима?", "Ўлим нима?", "Одамнинг моҳияти нимада?", "Коинот ўзи нима?" каби мураккаб саволлар томон тараққий этди. Қоронғуликдан ёруғликка чиққандай, билимсизликдан маърифат сари, дунё ҳақидаги тассавурлар ҳаётда тушунчалар томон силжиши маънавият йўлини қанчалик узлуксиз эканлигидан далolat беради. Бу йўл шунчалик сўқмоқларга мўл эканки, одамзод ҳақиқат ва ҳақ бекатига етиб келгунча шунча кўп тафаккурларни ўзи бузиб, яна

¹ Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Том 1-2. Отв. ред. Б.А. Страшун.- М., Издательство БЕК, 1996.-307 ст.

² И.А. Алебастрова. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебное пособие.- М., "Юриспруденция", 2000.-70 ст.

³ Авесто. Тарихий- адабий ёдгорлик. Асқар ..таржимаси.-Т., Шарқ, 2001.-5 б.

бошқа тасаввур манзиллари яратишга тўғри келди".¹ Мазкур фалсафий ғоя ҳар қандай давлат шаклига тааллуқли бўлиб, инсон доимо яхши яшаш учун курашиб келганлиги ва бу жараёнларда турли хил кўришиш касб этувчи бошқарув усулини ташкил этганини тарихий манбаалардан ўрганамиз. Юқорида кўрсатиб ўтилган парламентар монархия давлат шаклининг вужудга келиши ҳам инсоният курашларининг натижасида пайдо бўлган энг замонавий бошқарув усулидандир.

Парламентар монархия тузумида ҳокимиятнинг бўлиниш принципи қонунчилик органининг Олий давлат ҳокимият органи эканлигини кўради. Ижроия ҳокимият устидан парламентнинг юқори туриши, сиёсий режимнинг демократик ёки либерал яъни давлат ҳокимият органларининг бир-бири билан муросага кела-олмайдиган қонун талабларида фаолият юритиши белгиланганлигини билдиради.

Шунингдек, парламентнинг Олий ҳокимият органи сифатидаги тушунчаси шунини билдирадики, ҳукуматнинг тузилиши монах томонидан тайинланса ҳам юқори ёки қуйи палатанинг ишонч ҳуқуқи қўлланилади. Бу шунинг англатадики, агар юқори ёки қуйи палата аъзолари ҳукуматга ишончсизлик билдирса, монах қуйи палатада энг кўп ўрин олган партия аъзоларидан сайланган депутатлардан ҳукуматни шакллантиришга мажбур бўлади. Монах бундай давлат бошқарув шаклида фақат шохдир, ҳокимият масалаларида кузатувчи вазифасини ўйнайди. Қонунни тасдиқлаш ёки тўхтатиб қўйиш мунасабатларида бундай ҳуқуқдан амалда фойдаланмайди яъни ҳукумат кўрсатмаси билан қонунни амалга киритиши мумкин. Ҳуқуқий жиҳатдан монах бундай ҳуқуқдан маҳрум этилган. Унинг томонидан чиқарилиши лозим бўлган ҳужжатлар тартиб бўйича ҳукумат ташаббуси билан тайёрланади. (Бош вазир ёки унинг томонидан тайинланган вазир томонидан). Шунинг учун ҳам монах юридик томонидан қабул қилинаётган қонун ва монах юридик томонидан қабул қилинаётган қонун ва қонун ости актларини оқибати учун жавоб бермайди. Ҳар қандай монах фармонлари ва бошқа қонун ҳужжатларига парламент ва ҳукумат жавобгардир.

Энг муҳими ажратиб турадиган парламентар монархиянинг давлат бошқарув шаклини белгиси шундан иборатки –парламентнинг қуйи палатаси олдида ҳукуматнинг ўз фаолияти масалаларида сиёсий жавобгарликдир. Агар қуйи палата ҳукуматга ишончсизлик ҳукуматини билдирса ёки билдирган ишончидан кечса ҳукумат монах томонидан истеъфога чиқиши ёхуд ўз лавозимидан озод этилиши шарт. Аммо парламентнинг бу ҳуқуқни ҳозирги парламентар монархия шаклидаги давлатларда амалга оширилиши унга тенглаштирилган ҳукуматнинг монахга қуйи палатани тарқатиб бериш таклифини тасдиқлаши ва янги сайловларни ташкил этилишида кўришимиз мумкин. Бундай жараёнларда ижро этувчи ва қонунчилик ҳокимият органлари ўртасидаги келишмовчиликлар халқ томонидан ҳал этилади. Агар сайловларда

¹ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Аскар .таржимаси.-Т., Шарқ, 2001.-371 б.

парламентнинг олдинги таркиби қайтадан сайланса ёки кўпчилиги палатадан ўрин олса, унда ҳукумат таркиби янгиланади яъни истеъфога чиқишга мажбур бўлади.

Шундан келиб чиқиб, бундай давлат бошқарув шаклида монарх, парламент ва ҳукумат муносабатларининг белгиланиши парламент режими ёки парламентар монархия деб аталади.

Парламентар монархия давлат бошқарув шаклининг тузилиши жуда мураккаб жараёнларни ўз ичига олади, бунда парламент таркибининг бирор бир сиёсий партияси кўп ўрин олиши мумкин эмас.

Бунинг натижасида ҳукумат аъзолари ҳам бир партиядан тузилиши мумкин бўлмайди. Чунки уларда истиқомат қилаётган халқларнинг сиёсий онги ва тафаккури бирор бир сиёсий партиянинг давлат ҳокимиятига ҳукмронлик қилишига йўл қўймайди.

Бу масалада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг II- чақириқ II-сессиясида 2000 йил 25 май куни сўзлаган нутқи диққатга сазовордир; "Шуни яхшилаб англаб олишимиз зарурки, ҳаёт ўзгариши билан, одамларимизнинг аввалги сиёсий онги улғайиши билан, бизнинг парламентимизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам тегишли ўзгаришлар бўлиши табиийдир"¹ деб Ўзбекистон давлатининг келажак истиқболларини халқнинг маънавий юксалишини парламентни шакллантириш орқали куриш мумкинлигини тушунтириб берган эди.

Шундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳозирги ривожланган монархия ҳисобланган Буюк Британия, Япония, Австрия ва Канада давлатлари ҳам узоқ тарихий ривожланиш босқичларини бошидан кечирган. Уларнинг давлат бошқарув усулини яна кенгроқ ўрганар эканмиз, парламентнинг жамият ва давлат ҳаётида тутган ўрни бекиёс катта эканини, ишини ташкил этиш мезанизминини мукаммал эканлигидан кўришимиз мумкин.

Парламент фаолиятининг ташкил этилиши сиёсий партияларнинг фаолиятига боғлиқ бўлиб, юқорида кўрсатиб ўтилган Буюк Британия, Канада, Австрия давлатларида икки партиявий тизими мавжуд. Айрим давлатларда (Япония) кўп партиявийлик тизими мавжуд бўлиб, энг кучли партия томонидан мувозанати сақланиб турилади.

Парламент монархия давлат шаклининг ўзига хос хусусиятларини ижобий ва салбий томонлари, давлат ҳокимиятининг амалга оширилиши турли хил сиёсий кучлар ўртасида зиддиятларни келтириб чиқаради. Бу эса бир томондан ҳокимиятни суъистеъмол қилинишини олдини олса, иккинчи томондан парламент устидан назорат қилинишига шарт-шароит яратиб беради. Масалан, Японияда 1955-1993 йилларда ҳукумат таркиби кучли сиёсий партиялар вакиллари (қўйи палатадан) бўлганлиги учун, юридик жиҳатдан парламент ҳукумат фаолиятни назорат қилиш керак эди, амалда эса ҳукумат таркиби палатада кўпчилик ўринни

¹ И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т. 8. –Т., "Ўзбекистон", 2000.-483 б.

эгаллаган сиёсий партия вакилларидаан бўлганлиги сабабли, ҳукумат парламент фаолияти устидан ўз ҳукмини ўтказадиган бўлди.¹

Бундай давлат режимининг ўрнатилиши вазирлик ёки “Ҳукумат хайъати тизими” номини олди.

Шунга эътибор бериш лозимки, парламентар монархия давлат бошқарув шаклида икки хил давлат режими бўлиши мумкин; парламент ва ҳукумат фаолияти билан боғлиқ бўлади. Бу эса ўша давлатнинг сиёсий партиялари тизими қандай эканлиги билан белгиланади.

Парламентар монархия давлат бошқарув шаклини ўрганар эканмиз, унинг пайдо бўлиш тарихи маълум бир ривожланиш босқичларини босиб ўтганлигини кўрамиз. Дастлаб мутлоқ монархия, сўнг дуалистик ва парламентар шакли вужудга келган. Бунга мисол қилиб, ҳозирги даврда эндигина ривожланиб келаётган Малазия, Тайванда ва Непал давлатларини бошқарув шаклини ўрганишимиз мумкин. Ҳозир уларнинг давлат бошқарув шакли ўтиш жараёнини бошидан кечирмоқда. Чунки номи парламентар монархия шакли деб аталса ҳам монархнинг давлат ҳокимиятига бўлган таъсири, дуалистик давлат режимининг ўрнатилганлигини билдиради.²

Монарх ва парламентнинг давлат ҳокимиятини амалга оширишдаги ваколатларини бир бирини назорат қилиш принципида тузилган. Лекин шундай бўлса ҳам, ички сиёсий кураш жараёнлари давом этмоқда, вақти келиб бу давлатлар чинакам парламент ҳокимиятига эришадилар.

Республика

Республика сўзи латин тилидан олинган бўлиб, (respublika) иши деган маънони англатади. Бу шундай давлат бошқарув шаклики, давлат соғлигини сайланишига тавсиф бўлади ва унинг номи билан президентлик республикаси деб аталади. Мазкур бошқарув шаклининг пайдо бўлиши ҳамма давлатларда албатта улуг инқилоблар натижасидир. Францияда буржуа инқилоби, Америкада фуқаролар уруши натижасида айрим давлатларда ҳокимиятни бошқа бир сиёсий кучлар томонидан эгаллаб олиниши туфайли (Германия, Греция, Чили, Жапон) ҳақиқий президентлик республикаси ўрнатилган эди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам мустақиллик учун кураш жараёнлари президентлик бошқарувига ўтиш лозимлигини кўрсатди. 1990 йил 24 мартда республика Олий Кенгашининг

¹ Конституционное (государственное) право зарубежных стран. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв.редактов. Б.А.Страшун.-М., «БЕК», 1995. –309 стр.

² Конституционное (государственное) право зарубежных стран. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв.редактов. Б.А.Страшун.-М., «БЕК», 1995. –310 стр.

ХII- чақириқ бирлиги сессиясида президентлик лавозими таъсис этилди. 1990 йил 20 июнида Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида "Мустақиллик декларацияси" эълон қилинди³.

1991 йил 29 декабрда ўтказилган референдум Ўзбекистон тарихида биринчи мартда давлатимиз мустақиллигини Олий Кенгаш томонидан эълон қилинганлигини маъқуллаб, ўз Президентига ҳам овоз берди. Мана шундан буён хорижий мамлакатлар тажрибасига таяниб, ўз тарихий давлат бошқаруви асосида президентлик республикасининг ҳуқуқий пойдеворини яратди. Ҳар бир миллат ва элатлар ўз миллий қадриятларини сақланиб қолишига курашадилар. Чунки миллатни давлат сифатида жаҳонга танитадиган бебаҳо бойлик бу унинг ҳеч қаерда такрорланмайдиган урф-одат нормаларидир.

Кўп ҳолларда мустамлака давлатлар ўз мустақиллигини қўлга киритган кундан республика деб эълон қилади. Бу шундан далolat берадики президентлик давлат бошқаруви шакли мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида муҳим ўрин тутди.

"...Тарихнинг муайян даврида, ҳақиқий давлатчилик қарор топаётган пайтда, айниқса бир тизимдан иккинчисига ўтиш даврида, ҳар ҳолда кучли ижроия ҳокимияти зарур. Қон тўқилишига ва қарама-қаршиликка йўл қўймаслик, минтақада миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги, тотувлиги ва барқарорликни сақлаш учун шундай бўлиши зарур, бу йўлда мен жонимни фидо қилишга тайёрман. Таъбир жоиз бўлса, демократия сари ҳаракат қилиш учун ҳам шундай бўлиши зарур"¹деган эди Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов. И.А.Каримов 1993 йил 12 февралда "Комсомольская правда" рўзномасининг мухбирлари билан бўлган учрашувда.

Республика шаклидаги бошқарувнинг пайдо бўлиш омилига биринчидан мустақилликни мустаҳкамлаш бўлса, иккинчидан сиёсий партиялар фаолиятини йўналтириш яъни демократик талабларга мослаштириш, керак бўлса йўл-йўриқ кўрсатиш давлатнинг асосий вазифасига киради.

Республика шароитида мустаҳкам тенглик, давлат бошқарувида демократияни қарор топишини тезлаштиради, чунки ҳокимиятнинг бўлиниш принципи асосида ваколатларнинг тақсимланиши ҳар қандай олий органга бунда давлат бошлиғи ҳам киради, халқдан, олган мандат натижасида амалга оширилади.

Шуни алоҳида белгиланишига эътибор бериш лозимки, ваколатларнинг тақсимланиши тенг шароитлар яратилган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади. Бу шундан иборатки, айрим турдаги республика шаклидаги давлат бошқарувида номигагина жамият масалалари ҳам этилиб, амалда битта шахснинг хоҳиш-идорасини ифодалайди.

Масалан, мамлакатда давлат тўнтариши туфайли бутун ҳокимият президент лавозими билан бир шахс қўлига ўтиб қолади ва диктатуралик режими ўрнатилади. 1993 йилда Гитлер

³ "Қишлоқ ҳақиқати" рўзномасининг 1990 йил 22 июнь сони.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.-Т., "Ўзбекистон", 1993.-141 б.

Германияда, 1960 йил Ж.Мобута Жазоирда, 1967 йилда "қора полковниклар" номи билан Германияда, 1973 йилда А.Пиночет Чилидахокимиятни давлат тўнтариш қилиб эгалланган эди. Бунинг оқибатида мамлакатда давлат режими ягона диктатор ҳукмида, миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлган эди.² Агар биз буни янада кенгроқ маънода тушунча берадиган бўлсак, 1973 йил "қора полковниклар" деб аталган бир гуруҳ шахслар томонидан амалга оширилган давлат тўнтариш бир томондан монархия тузумини йўқ қилган бўлса, иккинчи томондан республика давлат бошқаруви шаклига ўтганлигини эълон қилган бўлса ҳоли ҳеч қандай демократик тартиб қоидалар амал қилинади яъни монархиядан фарқ қилмайдиган бошқарув усули ўрнатилди. Давлат бошлиғи президент ваколатлари чекланмади у фақат ўлими туфайли ёки бошқа кучларининг зўрлик билан ҳокимиятни эгалласагина ўз лавозимидан маҳрум этилиши мумкин эди.

Бундай ҳолат собиқ иттифоқ даврида ҳам ҳукм сурган эди. Сайловлар номигагина ўтказилиб давлат бошлиғи умрбод ўз лавозимида қолар эди.

Энди биз республикалар сиёсий режимининг ҳақиқатдан ҳам демократик ёки либерал кўринишида эканлигини турли хил шакллари таҳлил қилиб чиқамиз. Бундан олдин доимо ёдда тутиш керак, парламентар ва президентлик республикаларида президент бўлади. Аммо республикадавлат бошқарув шаклида қонунчилик ва ижроия ҳокимият муносабатларининг белгиланиш хусусиятлари икки хил кўринишда бир-биридан ажратибўрганилади.

Дуалистик (президентлик) республика.

Бундай давлат бошқарув шаклида ҳукумат фақат президент олдида ўз фаолияти ҳисоб бериб туради, парламент олдида масъул эмас.

Бу шундан келиб чиқиб белгиланганки, парламент ҳукумат таркибини тузмайди ва унга ишончсизлик ҳуқуқига эга эмас.

Чунки қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимият президентлик республикасида ўз ваколатларини тўғридан-тўғри халқдан олади. Президент ижроия ҳокимият бошлиғи сифатида халқ томонидан сайланади ва бунинг натижасида давлат бошлиғи функциясини холи амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

Демак, дуалистик республика шаклидаги давлат бошқарувида президент давлат бошлиғи функциясини амалга ошира бориб, Бош Вазир лавозимини ҳам эгаллайди.¹ Шундай қилиб президент йўл бошловчи ва давлат раҳбари бўлиб, кучли сиёсий арбоб сифатида майдонга чиқади. Унинг халқ томонидан сайлаб қўйилиши улуғ шахс эканлигидан далолат беради. Собиқ Иттифоқ республикалари, Франция, Бразилия ва бошқа давлатларда президент

² Конституционное (государственное) право зарубежных стран. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв.редакторов. Б.А.Страшун.-М., «БЕК», 1995. –310 стр.

¹ И.А.Алебастрова. Конституционное (государственное) право зарубежных стран: Учебное пособие.-М., «Юриспруденция», 2000. –72 стр.

тўғридан-тўғри умумхалқ сайловлари орқали ўз лавозимини эгаллайди. АҚШда алоҳида сайловчилар гуруҳлари томонидан президент сайлови ўтказилади, бунда ҳам давлат ва ижроия ҳокимият бошлиғи парламент олдида мустақилдир, тенглик принципида фаолият юритади. Президентлик республикасида ҳукумат таркиби парламент сессияларида депутатлар тасдиғига қўйилади. Бу жараёнда депутатлар президент томонидан кўрсатилган номзодларни тасдиқлашлари шарт. Агар бирор-бир кўрсатилган номзод бундай лавозига лойиқ эмаслиги асослаб берилса, президент бошқа бир шахснинг номзодини кўрсатишга мажбур бўлади. Шунинг учун ҳам ҳукумат фақат президентлик бошчилигида фаолият юритади, барча ҳокимият масалаларида ҳукумат аъзолари тавсиявий характердаги қарорлар қабул қилиши мумкин, қатъий қарорни ягона президентнинг ўзи ҳал қилиши мумкин.

Ҳукумат таркибининг шаклланишида президентнинг қайси партия аъзоси бўлганлиги муҳим роль вайнайди. Давлатнинг юқори палатасида ҳукумат аъзолари, президент аъзо бўлган сиёсий партия вакилларида (президент томонидан) кўрсатилади ва алоҳида-алоҳида тасдиқдан ўтади.

Агар кўрсатилган номзод депутат бўлса, вазирликка тасдиқлангандан кейин, депутатлик мандатини топширади. Чунки президентлик республикасида бир вақтнинг ўзида парламент ва ижроия ҳокимият аъзоси бўлиш мумкин эмас. Шунингдек, қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимиятнинг бўлинишига алоҳида эътибор берилади яъни уни тенглиги ва бир-бирига нисбатан мустақиллиги таъминланади.

Уларнинг бир-бирини назорат қилиш функцияси ҳам тенглик принципида белгиланади. АҚШ Конституциясининг биринчи моддасида қонунчилик ҳокимияти Конгрессга тегишли эканлиги мустаҳкамланган, иккинчи моддасида эса, ижроия ҳокимиятни Президент амалга оширади деб белгиланган, учинчи моддасида, суд ҳокимияти – АҚШ Конгресси томонидан тасдиқланадиган Олий суд ва қуйи турувчи судларни ташкил этиши кўрсатилган.

Кўп президентлик бошқаруви ўрнатилган давлатларда суд ва ижроия ҳокимият органларининг олий мансабдор шахслари юқори палатанинг розилиги билан президент томонидан тайинланади. Бунда албатта юқори аъзоларининг кўрсатилган номзодларга билдирган фикри эътиборга олинади. Ҳукумат аъзолари ва бошқа ижроия ҳокимият органлари мансабдор шахсларини президент ўз лавозимидан озод этиш мумкин. Президентни ким билан ишлаш, ишламаслиги тўғрисидаги масалаларда уни мажбур қилиш мумкин эмас.

Ушбу давлат бошқаруви шаклининг асосий белгиси – ҳукуматнинг ўз сиёсий фаолияти тўғрисида парламент олдида жавобгарлигининг белгиланмаган-лигидандир. Парламент ҳукумат аъзоларини қонунни бузган тақдирда ҳам ўз лавозимидан озод этишга ҳақли эмас. Ҳукумат ўз фаолиятини олиб боришда парламентнинг ишончига ёки ишончинийўқотишдан қўрқмайди. Шунинг учун ҳам президентлик республикасидаги дуалистик бошқарув шаклида

президент бир сиёсий партиядан, ҳукумат боҳқа бир сиёсий партия вакилларида иборат эканлиги камдан-кам давлатларда учрайди. Энг ривожланган давлатларда президент ва ҳукумат аъзолари бир партиянинг вакиллари ҳисобланади. Улар ўз фаолиятини бўйсиниш асосида ташкил этадилар ва давлатнинг сиёсий режимини белгилайдилар. Агар қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари давлат аҳамиятига молик масалаларда ёмон оқибатни келтириб чиқарса, парламентнинг импичмент (ишончсизлик) ҳуқуқи кучга кириши мумкин. АҚШлари Конституциясида президентнинг ва бошқа олий мансабдор шахсларни лавозимидан парламент томонидан четлатилиш ҳоллари, пора олганда, давлатга хоинлик ва бошқа оғир жиноятлар содир қилганда дарҳол амалга оширилиши белгиланган. Давлат режими, президентлик республикасининг дуалистик бошқарув шаклида бир-бирига қарам бўлмаган иккита кучли ҳокимият қонунчилик ва ижро этувчи органларнинг ўзаро муносабатларини белгиланишида ўзига хос хусусиятларини намоён этади. Бундай давлат шакли демократик принциплар талабларига ўзининг бошқарув хусусиятлари ва уни амалга ошириш воситалари билан тартибга солиниши сиёсий режимини демократлаштиради. Дуалистик республика бошқарув шаклида, айниқса қонунни амалга киритиш жараёни мукамал тенглик принципида белгиланган. Президент қонунни тасдиқлаш ёки қайта ишлаш учун ўз эътирозини билдириб парламентга қайтариши мумкин. Агар қайта ишлаш юборилган қонун лойиҳаси ҳар иккала палата аъзоларининг кўпчиликлари овози билан қабул қилиниш лозимлиги тасдиқланса, президент қонунни имзолашга мажбур бўлади. Шунингдек, президент томонидан имзоланган халқаро шартномалар, парламент йиғилишида ратификация (тасдиқланиши) ёки (бекор қилиниши) депоксация қилиниши мумкин.

Суд ҳокимияти эса парламент томонидан қабул қилинган актларни конституциявийлигини назорат қилади ва шунинг билан қонунчилик, ижроия органлар устидан назорат ўрнатади ва мамлакатда тартиб-интизомга риоя таъминланади.

Парламентар республика. Бундай давлат бошқарув шакли, парламентар монархия шаклига мос тушади фақат давлат бошлиғи масаласи билан ажралиб туради.¹

Давлат ҳокимиятида вакиллари чекланган монарх ўрнида, президент фаолиятини қандай ташкил этилиши ва юритилишини кузатамиз. Президент парламент томонидан сайланиши мумкин ёки алоҳида тузилган коллегия органида ёхуд федерация субъектларининг парламент депутатлари томонидан ва бошқа ҳудудий ўзини-ўзи бошқариш органларининг вакиллари, иштирокида ўз лавозимида қуйилиши, турли давлатларда ҳар хил ҳуқуқий мезонларда бўлиши мумкин.

Парламентар республикасида президентнинг конституциявий вакиллари билгиланиши, тартиб бўйича ҳукумат томонидан амалга оширилади, яъни президент

¹ Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв. ред. Б.А.Страшук. – М., Издательство БЕК, 1995. 313 ст.

бошчилигида ҳукумат унинг вазифасини бажаради. Масалан, Ҳиндистон Республикасининг 1949 йилда Конституциясига қуйидаги тартибда 1-қисмининг 74- моддасига 42 чи ва 44 чи ўзгартириш киритилди ва ҳукуматнинг маслаҳатларига президент амал қилиши шарт деган мажбурият мустаҳкамланди.

Парламентар республиканинг асосий белгиси – худди парламентар монархияга ўхшаш, ҳукуматнинг парламент олдида сиёсий жавобгарлигидир. Ҳукуматнинг бир аъзосига билдирилган ишончсизлик асосан Бош Вазирга бутун таркиби билан истеъфога чиқиш оқибатини келтириб чиқаради. Ҳукумат ҳам қуйи палатани тарқатиб юбориш ҳақида президентга мурожаат этиши мумкин ва сайлов кунини белгилайди.

Парламентар республика давлат бошқарув шаклида ҳам худди парламентар монархия сингари иккита давлат режими; парламентнинг ва ҳукуматнинг фаолияти асосий рол ўйнайди. Ҳақиқий парламентар республика шаклидаги давлатлар жаҳонда жуда кам учрайди. Бунга фақат Германия, Венгрия, Италия, Ҳиндистон, Чехия, Словакия, Эстония давлатларини киритиш мумкин.¹

Бу давлатларнинг ўзига хос хусусиятларини кенгроқ ўрганиш учун давлат ҳокимиятини ташкил этиш асосларини қараб чиқиш зарур бўлади.

Бош Вазир лавозимининг алоҳида қилиб белгиланганлиги ва уни ижро этувчи ҳокимиятга бошчилик қилиши билан мамлакатнинг энг улуғ сиёсий арбоб сифатида намоён этади. Италия Конституциясининг 89-моддасида; “Президент томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар ҳақиқий эмас, агар у ҳукумат томонидан жавобгарлиги илова қилинмаган бўлса” деб белгиланган.

“Парламентар республикасида ҳукумат таркиби ҳар бир парламент сайловларидан кейин унга сайланган сиёсий партия вакилларида иборат тартибда шакллантирилади. Бош Вазир парламент таркибида энг кўп сайланган сиёсий партия ёки блокнинг раҳбари бўлади. Умуман олганда парламентар республика шаклидаги давлат бошқарувида ҳукуматни шакллантиришнинг икки хил кўриниши кўзатилади. Улардан бирида тартиб бўйича Бош Вазир ва бошқа вазирларни президент тайинлайди, шундан кейин президент парламентга уни тасдиқлаб бериши тўғрисида мурожаат қилади. Агар парламент ҳукуматга ишонч билдирмаса, президент парламентни тарқатиб юбориши мумкин ёки ҳукумат таркибини янгидан тузатади ва парламент тасдиғига қўяди. (Италия Конституциясининг 92, 94-моддалари).

Парламентар республикасининг иккинчи кўринишида Бош Вазир ва бошқа вазирларнинг лавозимига қўйилишида президент парламентдан розилик олиши лозим бўлади”.¹ (ГФР Конституциясининг 63, 64-моддалари). Шундан кўриниб турибдики, парламентар

¹ Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв. ред. Б.А.Страшук. – М., Издательство БЕК, 1995. 314 ст.

¹ Алебастрова И.А. Конституционное право (государственное) зарубежных стран. Учебное пособие. – М., Юриспруденция, 2000. 75 с.

республика шаклида давлат ҳокимиятининг амалга оширилиши президентлик (дуалистик) республикаси давлат бошқарувидан тубдан фарқ қилади. Парламентар республикасида қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимиятнинг ажратилиши уларнинг ўзаро келишувида назоратчилик фаолияти президентлик (дуолистик) республикасига нисбатан жуда ҳам мукаммал ва чуқур жараёнларни ўз ичига олади.

Давлат режими парламентар монархия каби парламентар республикасида сиёсий партияларнинг фаолиятини қанчалик даражада давлат ҳокимияти органларида тутган ўрнига қараб белгиланади. шунинг учун ҳам парламентар шаклидаги давлат бошқарувида демократик сиёсий режим давлат ҳокимиятини ташкил этиш бобида шунчалик кучли ҳисобланадики, амалда парламент ёки ҳукумат томонидан уни ўзгартиришнинг ҳеч ҳам иложи йўқ. Демак парламентар давлат бошқарув шакли инсоният ривожининг энг юқори даражада такомиллашган хоҳиш иродасини ифода этади. “Ўзбекистонда одамларнинг онгини ўзгартириш, қонунларни ҳурмат қиладиган эркин фуқароларнинг уйғун ривожланган жамиятини барпо этиш учун қанчалар йўл керак бўлади. Германия, Буюк Юритания 1789 йилги инқилобдан бошлаб Франция мана шундай жамият қургунича қанча вақт кетган”¹.

Аралаш (ярим президентлик) республикаси. Бундай шаклдаги бошқарув усули, президентлик ва парламентар давлат ҳокимияти белгисини ифода этувчи республика ҳисобланади.

Унинг тузилиши турли хил кўришда бўлади.

Президентли-парламентар республикаси ўзининг тузилиши бошқарув шаклига қараб, маълум белгилари билан ажралиб туради. Алоҳида олинган моҳияти бир томондан кучли Президентнинг ҳокимиятини намоён қилса, иккинчи томондан, ҳукуматнинг парламент олдидаги сиёсий, жавобгарлигини мустаҳкамлайди, шунинг билан Президентнинг парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқини ҳам белгилайди. Мазкур давлат бошқарув шаклининг ўрнатилиши, қандайдир бўйича, у ёки бу давлатнинг инқироzi туфайли эндигина ривожланиши шароитида иқтисодий ва сиёсий тизимини тартибга солишда, ижро этувчи ҳокимиятнинг парламент олдида жавобгарлик маъсулияти йўқолиб борганда ярим президентлик ва ярим парламентчилик ҳокимиятининг мустаҳкамланиши мамлакатда диктатура ўрнатилишини олдини олади.

Дунё мулақотлари ичига биринчи марта бундай давлат бошқарув шаклининг ўрнатилиши 1791 йил қабул қилинган Франция Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб берилди.

Франция Республикасининг Бешинчи ривожланиш ///, инсоният тарихида янги давлат бошқарув шаклини амалда исботлаб берди. Энг муҳим Франция бошқарув шаклининг белгиси давлат бошлиғи Президентни тўғридан-тўғри сайланиши ҳисобланади. Франция Президенти жуда катта ваколатларга эга бўлиб, ижроия ҳокимиятга бошчилик қилади, ҳукумат раиси

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т., Ўзбекистон, 1996. 136 б.

ҳисобланади, Бош Вазирни тайинлайди ва унинг таклифи билан бошқа вазирларнинг номзодини тасдиқлайди, зарурат туғилганда ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларини лавозимидан озод этади. Франция Республикасининг ярим парламентчилик ҳокимият белгиси шундан иборатки, /// йиғилиш ва қуйи Палата олдида ҳукуматнинг сиёсий жавобгарлиги ҳамда Бош Вазир лавозимининг мавжудлигидир.

Ҳозирги вақтда жуда кўп мустамлакачилик тузумидан озод бўлган халқлар ўз давлат бошқарув шаклини аралаш республика тарзида курмоқдалар. айниқса Собиқ Иттифок республикалари бундай давлат бошқарув шаклини маъқул кўрмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасида ҳам ўз мустақиллигини қўлга киритган кундан бошлаб, “Республика парламенти қонун яратувчилик фаолияти билан фаол шуғулланмоқдаки, у ёш мустақил давлатнинг шаклланишини ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама таъминлашга қаратилгандир. Давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизими шаклланмоқда. Президентлик бошқарув усули – шу тизимнинг ўзагидир”.¹

Ҳозирги даврда аралаш бошқарув шаклини танлаган давлатлар қаторига Португалия, Польша, Болгария, Хорватия, Словения, Македония, Сербия, Черногория киради. Шунингдек, Финляндия ҳам тўлиқ расмий хусусиятлари билан одат тусига кирган.

Совет республикаси – бундай давлат бошқарув шакли, совет тузumi ўрнатилган мамлакатлар ҳисобланади. Улар ҳокимиятнинг бўлинишини рад этадилар яъни ҳокимият ягона меҳнаткаш халқнинг вакиллик органи советларга сайланган вакиллари орқали амалга оширилишини мустаҳкамлайди.

Лекин бундай бошқарув шаклида сиёсий режим тоталитар тузум ўрнатиш шароитни яратиб беради.

Совет тузумининг ўрнатилишини дастлабкибосқичи, маъмурий-худудий бирликларда вакиллик органи Советларни шакллантириш юқоридан пастга қараб. Масалан, Ўзбекистон ССР Олий Совети, область, район, шаҳар, шаҳарга, посёлка, қишлоқ ва овул советларига сайловлар номигагина ўтказилар эди. “Қонун чиқарувчи ҳокимият, расман Олий Советларда мжассамлашган бўлса ҳам, ижроия ҳокимияти қонун чиқарувчи органларга ўз эркини ўтказар ва советлар томонидан назорат қилиниши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди”.¹

“СССР парчаланиб кетди. 74 йил мобайнида Ўзбекистон тақдири ва таъминоти иттифок қўлида эди. Собиқ иттифок бу ердан маҳсулот ва хом ашёни олиб кетиб, бизга сув ва ҳаводай зарур нарсаларни ўз кўрсатмаси билан келтириб берарди. Содда қилиб айтганда, пахта ва бошқа бойликларимиз олиб кетиларди, дон, шакар, ёнилғи ва бошқа халқ истеъмоли моллари, умуман, ҳаётимизга, иқтисодиётимизга ва халқ хўжалигимизга зарур бўлган маҳсулотлар олиб келинарди. Мана биргина мисол. Собиқ СССР Канада ва Америкадан ҳар

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод сиёсат, мафкура. – Т., Ўзбекистон, 1993. 36 бет.

¹ Тўлаганов А.Т. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. (дарслик). – Т., Тош. ТЮ.И, 2002. 5 бет.

йили 40-50 миллион тонна ғалла сотиб оларди. Шунинг ҳисобидан Ўзбекистонга ҳам улуш берарди“.² Ўзбекистоннинг мустақилликдан кейинги қисқа даври мобайнида ғалла ва бошқа дон маҳсулотларини тўлиқ ўзида етиштирадиган бўлди.

Энди, ҳозирги замонавий совет республикалари давлат бошқаруви шаклини таҳлил қиладиган бўлсак, Вьетнам Халқ Республикасида, жойларда советлар ва Миллий Мажлис, Кубада ҳам худди шундай, Хитой Халқ Демократик Республикасида халқ вакиллик органлари деб аталиб сиёсий режим социалистик, давлат режими бир мунча демократиявийроқ ташкил қилинган. Шунинг учун ҳам халқаро муносабатларда тан олинди, яъни ягона нусхада бошқарув икки такомиллаштирилган Совет Республикалари ҳисобланади.

Мазкур республикалар давлат шаклининг юридик нуқтаи назардан белилари қуйидагилардан иборат:¹

1) Советларнинг давлат ҳокимиятини ташкил этишдаги ваколатларининг устиворлиги. Худудлар бўйича ташкил этилган советларнинг ўзига тенглаштирилган давлат органларини шакллантиришда (прокуратура ва суд органларидан ташқари) юқори ваколатларга эга бўлиб, барча давлат органлари уларнинг олдида ҳисобдордирлар;

2) Барча поғонадаги Советлар бир тизимни ташкил этиб, ўзаро муносабатлари ягона раҳбарда бир-бирига бўйсиниш принципида амалга оширилади;

3) Халқ депутатлари Советлари ўзининг асосий ишидан ташқари фаолият юритади, сессиялари кам ва қисқа вақтда ўтказилади, ундан кейинги ваколатларининг амалга оширилиши жойлардаги ижроия органларга юкланади ва уларнинг қабул қилган қарорлари Советларда тасдиқланади.

4) Ушбу давлат бошқаруви парламентар республикани эслатади, чунки ҳукумат парламент томонидан тузилиб, унинг олдида ҳисоб бериб туради. Лекин ғавқулотда ҳолатлар содир бўлганда ёки Советларнинг ички фаолиятида ўзаро зиддиятлар келиб чиққанда уларни тарқатиб юбориши механизми белгиланмаган. Ҳокимиятнинг бўлиниш принципи назарий жиҳатдан тан олинмаган, бутун давлат ҳокимияти меҳнаткаш халқ Советлари қўлида бирлаштирилган. Советлар қонунчилик ва ижроия ҳокимиятнинг функциялари бажаради. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги фақат расмий жиҳатдан тан олинади. Чунки судьялар советлар томонидан сайланади ва уларга ҳисоб беради. Конституциясида уларга мустақиллик берилган ва Советларга юкланган.

5) Кўринишидан бутун меҳнаткаш халқни бирлаштирган Советларнинг қўлида давлат ҳокимияти барча ўхшайди, амалда эса юқоридан туриб бошқарилади. Бундай кўринишдаги совет республикалари мустақил давлат-лардир. Уларнинг давлат бошқарув шаклининг пайдо бўлишига Собиқ Иттифок Республикаси раҳбарлик қилган. Бизга узоқ ва

² Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т., Ўзбекистон, 1993. 3 б.

¹ Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв.ред. Б.А.Страшук. – М., Издательство БЕК, 1995. 316 б.

яқин ўтиши тарихидан маълумки ер юзида икки ҳукмрон давлат шаклида ўз сиёсий режимини ўрнатиш учун социалистик ва капиталистик (ўша даврда шундай аталар эди) тузум тарафдорлари бўлган АҚШ ва СССР мавжуд эди. Уларнинг тарафдорлари икки лагерьга бўлиниб бир-бирини йўқ қилиш учун узок вақт (74 йил) кураш олиб борганлар. Лекин инсониятга хизмат қилувчи давлат шаклини қурган миллат ва элатлар бошқа халқларнинг ҳам совет тоталитар тузумидан озод этишга бебаҳо хизмат кўрсатдилар.

“Биз истиқлол шарофати билан кўп кадриятларни – иймонимизни, миллий ғуруримизни, озодликни, бир сўз билан айтганда, парвардигорни қайтадан чинакамига танидик. Эндиги вазифа – боболаримизнинг поймол этилган орзу-умидлари ҳаққи, авлодларимизга, сизу бизнинг фарзандларимизга бутун дунё билан теппа-тенг бўйлашадиган буюк Ўзбекистонни мерос қилиб қондирмоқдир“.¹

Хулоса

Биз юқорида давлат шаклари мавзусини ёритиб беришга ҳаракат қилдик. Бу курс ишида давлат шаклини тушунишда энг умумий ёндашувга таяндик. Ушбу мавзунини ўрганиш жараёнида Давлат шаклини ташкил этувчи уччала жиҳатни ўрганиш, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, ўзаро таъсирини кузатиш ҳамда назарий, сиёсий-ҳуқуқий тафаккур юз йилликлар давомида давлатни ўрганар экан, давлат шаклининг айнан шундай мазмунини алоҳида ажратиб ўрганганлигига эътиборни қаратиш зарур деб ўйлаймиз. Шунингдек ушбу курс ишини ўрганиш жараёнида давлат шаклини ҳозирдаги каби тушуниш ва ҳозирда ҳам унга қарши чиқувчилар борлиги алоҳида эътиборга молик. Узок вақт давомида давлат шакли бошқарув шакли ва давлат тузилиш шаклидан иборат деб ҳисоблаб келинган Кейинчалик унга сиёсий идора усули қўшилган (бу ҳақда юқорида батафсил тўхтаб ўтдик).

Ўзбекистон Республикасида ҳам давлатнинг шакллари уз ифодасини топа бошлади. Мустақиллик кулга киритилиши биланок республикада дархол демократик ҳуқуқий давлат асослари вужудга келтирила бошлади.

Шу мақсадда олдинги тоталитар тузум иллатларинини таг-томири билан купориб ташлашга кескин киришилди. Куппартиявийлик, гоялар ва фикрлар хилма-хиллиги билан муроса ҳаётий воқеликка айланди. Бир мафкура ҳукмронлигига барҳам берилди. Умуминсоний кадриятларни жаҳон эътироф этган чинакам демократия, исон эркинликлари ва ҳуқуқлари меъёрларини қарор топтириш вазифаси қуйилди. Республикамизда сузда эмас амалда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятлари органларига булиниши тамойили ишлаб турибди. Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг чинакам манбасига айланди ва бу

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т., Ўзбекистон, 1993. 182 бет.

хокимятнинг ҳам бевосита, ўз ваколати вакиллари-депутатлар курпуси оркали амалга оширмакда. Президентимиз уз асарларида шундай таъкидлайди, « Ўзбекистон бошка давлатлар тараккиёти жараёнида тупланган ва республика шароитига тадбик килса буладиган барча ижобий ва макбул тажрибалардан шак-шубхасиз самарали фойдаланади ».

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Махсус адабиётлар:

1. Алебастрова И.А. Конституционное право зарубежных стран. (учебное пособие). – М., Юриспруденция, 2000.
2. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв.ред.Б.А. Страшун.- М., Издательство БЕК, 1985
3. Конституции зарубежных государств. Учебное пособие. 2-е изд. Исправ. и доп.- М., Издательство БЕК. 1997
4. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Том 3.Отв.ред. Б.А.Страшун.- М., Издательство БЕК, 1997
5. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Том 1-2..Отв.ред. Б.А.Страшун.- М., Издательство БЕК, 1996
6. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв.редакторов. Б.А.Страшун.-М., «БЕК», 1995.

Қўшимча адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон саёт-пировард мақсадимиз. Т. 8. –Т., "Ўзбекистон", 2000.-483 б.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т., Ўзбекистон, 1996
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т., Ўзбекистон, 1993.
4. Тўлаганов А.Т. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. (дарслик). – Т., Тош. ТДЮИ, 2002.
5. “Қишлоқ ҳақиқати” рўзномасининг 1990 йил 22 июн сони